

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

№36

2024-yil
11-sentabr, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston_ovozi | www.uzbovozi.uz | info@uzbovozi.uz



2024 йил 6 сентябрь куни пойтахтимиздаги муҳташам масканлардан бирида Ўзбекистон Халқ демократик партияси қурултойи бўлиб ўтди. Парламент қуйи палатасига депутатликка кўрсатилган 175 нафар номзод, делегатлар, тарафдорлар, хайрихоҳлар, қўллаб-қувватловчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, умуман, мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеликка бефарқ бўлмаган инсонлар бир даврага жам бўлди.



ХАЛҚЧИЛ ДАСТУР ВА МУНОСИБ НОМЗОДЛАР БИЛАН

ХДП САЙЛОВГА КАТТА КУЧ, ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛАН КИРИБ БОРМОҚДА!

САЙЛОВЛАР ВА АЁЛЛАР

Шу йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловининг энг асосий иштирокчилари ҳисобланган сиёсий партиялар якунланган ҳафтада ўз Сайловолди дастурларини эълон қилдилар. Аини бир пайтда парламент қуйи палатаси депутатлигига ҳар томонлама муносиб деб билган номзодларни илгари суришди.

Айтиш ўринлики, Сайлов кодексига амал қилинган ҳолда бешала партиядан ҳам кўрсатилган номзодларнинг 40 фоиздан ортиғи аёллардан иборат бўлмоқда. Янада эътиборлиси, Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатаси депутатлигига аёл номзодларнинг улуши бошқа партияларга қараганда нисбатан кўпроқ, яъни, 47,4 фоизни ташкил этаётир.

5



ПАРААТЛЕТЛАРИМИЗ ЯНГИ ТАРИХ ЁЗИШДИ!

8

СЎЗ – ҚУРУЛТОЙ ИШТИРОКЧИЛАРИГА!

— Гувоҳи бўлдикки, бугунги йиғилишда партиямизнинг сайлов кампаниясида муваффақиятли иштирок этиши билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди, истиқболли режалар, дастурлар ва ғоялар ўртага ташланди. Албатта, масъулиятли сиёсий жараёнда муносиб қатнашиш учун партиямиз барча имкониятларни сафарбар этади, чунки салоҳиятни тўла ишга солиш орқали қутилган натижага эришиш мумкин.

Партиянинг Сайловолди дастури билан танишар эканмиз, бу дастур тўсатдан пайдо бўлиб қолган, айнан шу сайлов кампанияси учун ўйлаб топилган фикрлар мажмуи эмаслигини кўриш мумкин.

Дастур ва шу асосда сўзланган нутқ Халқ демократик партиясининг йиллар давомида шаклланган, сайқалланган ғоя ва мақсадларини тўла ўзида мужассам этган.

Сайловолди дастуридаги барча йўналишлар, унда белгиланган таклиф ва ташаббуслар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қиладиган асосий вазифалар ҳисобланади.

4 САҲИФАДА



ОЛТИН-ВАЛЮТА – ЯНА РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

6

Орамиздаги одамлар

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

“Нуроний” жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби, Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи вакили Орзикул Соатовни воҳада билмаган-танимаган киши бўлмаса керак.

Саксон тўрт ёшни қарши олган замондошимиз ўтмишнинг оғир даврларига гувоҳ бўлган. Фарахбахш дамлар ва дориломон кунларга етганига доим шукроналик келтиради. Турмуш фаровонлиги ва дастурхонлар тўқинлигидан мамнун. Ўзгарिश, ривожланиш, тараққиёт ва янгиланишларга елкадош бўлиш кераклигини айтади. Ҳаёт билан ҳамнафас ва ҳамқадам одимлаш кекса-ю ёшнинг умр мезонига айланиши кераклигидан гурунг беради.

– Эҳ-ҳе, не-не рутубатли кунларни кўрмадик, - дейди Орзикул ота. - Қай бир замонлар ўтмади, дейсиз. Уруш йилларининг азоблари, болалиқдаги, ўсмирликдаги қийинчиликлар, қимматчилик, адоғи кўринмас қаҳатчилик... Буларни гапириш тугул бугун эслаш ҳам оғир мен учун.

7 САҲИФАДА

САЙЛОВ – 2024

2024 йил 6 сентябрь куни пойтахтимиздаги мухташам масканлардан бирида Ўзбекистон Халқ демократик партияси қурултойи бўлиб ўтди. Парламент куйи палатасига депутатликка кўрсатилган 175 нафар номзод, делегатлар, тарафдорлар, хайрихоҳлар, қўллаб-қувватловчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, умуман, мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеликка бефарқ бўлмаган инсонлар бир даврага жам бўлди. Партиянинг бу галги қурултойи мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган янги аралаш сайлов тизимига номзодлар кўрсатиш ва Сайловолди дастурини тасдиқлаш маросими сифатида тарихда қоладиган бўлди. Зеро, Халқ демократик партияси ушбу муҳим сиёсий жараёнга янги шахд ва янги ғоялар билан кириб келмоқда. Ғалабага бўлган иштиёқ ҳам, интилиш ва ишонч ҳам юксак.

Қурултойни ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятгов очиб берди. Дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида сайловларда партиянинг муносиб ва фаол иштирокини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар тўғрисида маъруза қилди.



ХАЛҚЧИЛ ДАСТУР ВА

ХДП сайловга катта куч,

ХДП ВАЪДАСИНИ БАЖАРДИ

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг 2019-2024 йиллардаги фаолияти юзасидан тайёрланган ҳисоботлар атрофида муҳокама этилди. Партия 82 банддан иборат мақсадларни белгилаб олган бўлиб, ҳозирга қадар уларнинг 70 дан ортиси амалга ошган. Энг муҳими, партиянинг бош ғояси бўлган кучли ижтимоий демократик давлатни барпо этиш тамойили Конституцияда муҳрланди.

Таъкидланганидек, айнан Халқ демократик партияси ташаббуси ва тақлифлари билан минимал истеъмол харажатларини эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари ундан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Шунингдек, аҳолининг кам даромадли қатлами учун қурилаётган арзон уй-жойлар сони кўпайтирилди, ушбу соҳада имтиёзли ипотека кредити ажратиш амалиёти такомиллаштирилди. Уй-жой олишни субсидиялаш тизими натижасида ҳудудларда 6 мингта кўп қаватли уй барпо этилиб, 250 минг оила бошпанали бўлди.

Партиянинг 2019-2024 йилларга мўлжалланган дастури самарали амалга ошаётгани қайд этилди.

ЯНГИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА

Қурултойда олдинги сайловда илгари сурилган партия Сайловолди дастури ижроси таҳлиладан сўнг Халқ демократик партиясининг бу йилги сайловда иштироки билан боғлиқ энг муҳим масалалар кўриб чиқилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайлов-

Партия янги дастурида давлат ва жамият қурилиши йўналишида ҳам илғор ташаббуслар жой олган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ

ХДП етакчиси қайд этиб ўтганидек, янги-ланган Конституцияимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб белгилангани халқимизнинг орзу-интилишларига ҳамда Халқ демократик партиясининг платформасига тўлиқ мос келди.

Конституцияга асосан давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари уч бараварга ошди. Давлат зиммасига аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёти сифатини ошириш, ноғиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини кўриш мажбурияти юкланди.

Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги аниқ

Бунинг учун партия аҳолимиз дуч келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича тақлифларни бирлаштирган, сайловчиларни шонтира оладиган янги мукамал дастур устида иш олиб борди.

150 ГА ЯҚИН ТАКЛИФ-ТАШАББУСЛАР

Яна айтилдики, партиянинг Сайловолди дастурида давлат ва жамиятни ривожлантириш, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритишга қаратилган 150 га яқин тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз дастури мақсадларини ижтимоий адолат ва тенглик, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия ғояларига асосланган ҳолда ишлаб чиқди.

– Сайлов кампаниясининг энг қизғин даврига киришар эканмиз, ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш,

волди дастуридан ўрин олган.

Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 18 ёшгача болаларнинг касалликлари рўйхатини кенгайтириш, шу орқали доимий қаровга муҳтож болаларни парваришлаётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш белгиланган. Давлат пенсия таъминоти тизими мунтазам такомиллаштириб борилиши керак.

Пенсия ва ижтимоий нафақалар инсон ҳаётий эҳтиёжларини қаноатлантиришига етарли бўлиши зарур, деб ҳисобланади. Шу мақсадда бир қатор муҳим тақлифлар назарда тутилган.

УЙ-ЖОЙ СОҲАСИДА ВАЗИЯТНИ ЁНГЛАШ ЛОЗИМ

Уйли-жойли бўлиш ҳар бир инсон учун ҳаётдаги энг муҳим, энг эзгу мақсадлардан бири. Уйи борнинг ўйи бўлмайди, деб бежизга айтишмаган аслида. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг аҳоли энг зич яшайдиган мамлакатига ҳисобланади. Табиийки, тез ўсувчи демография давлат олдида одамларни уй-жой билан таъминлаш масаласини қўяди. Тан олиш зарур, бу борада кейинги йилларда аҳоли арзон уй-жой билан таъминлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Аммо қурилишлар қўламли халқ эҳтиёжини қондира оляпти, дейишга ҳали биров эрта.

Халқ демократик партияси аҳолини арзон уй-жой ва сифатли коммунал хизматлари билан таъминлаш тарафдори. Партия фикрича, ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар етарли эмас ва уларни қаррасига кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Бу борада партия фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳар қимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, бунинг учун арзон уй-жой қурилишини кенгайтиришни қўллаб-қувватлайди.

Ҳозир кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлаётган бир муаммо бор. Яъни, ҳали қурилиши бошланмаган ёки тугалланмаган уй-жойлар учун қурилиш корхонаси билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш, ҳали бир дона гишти ҳам қўйилмаган уй учун олдиндан пул тўлаш ҳолатлари учрайди. Бундай таваккалчилик эса базван одамларнинг сарсонгарчилигига олиб келяпти. Уша шартномани тузган қурилиш корхонаси негадир бирдан банкрот бўлиб қолиши ёки буюртмачи пулларини талон-торож қилиши каби ҳолатларни инкор этолмаймиз. Шуларни инобатга олган ҳолда турар жойларни қуришда жалб қилинган аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш кафолатларини яратиш мақсадида эскроу тўлов тизимини жорий этишни назарда тутувчи “Улуш киритиш асосида уй-жой қуришда иштирок этиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш тақлифи илгари сурилган.

Сайловолди дастурида, шунингдек, “Коммунал хизматлар ва тарифларни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш, кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш усулларини қайта кўриб чиқиш, бундай турдаги уйларнинг жойлашуви, муҳандислик-коммуникацияларининг шахарсозлик талабларига мувофиқлигини, аҳоли яшаш пунктларининг хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилган. Партия шахарлар ва аҳоли пунктларининг тарихий қиёфасини сақлаш, табиий ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича ўз савъ-ҳаракатларини кучайтиради.

САЙЛОВ ПАРТИЯ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА, АЛБАТТА, КАТТА МАСЪУЛИЯТДИР. УНДА ҒАЛАБА ҚОЗОНИШ, ПАРЛАМЕНТДА КЎПРОҚ ЎРИНГА ЭГА БЎЛИШ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛАРНИНГ УСТУНЛИГИГА ЭРИШИШ УЧУН БАРЧА КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

кўрсатилди.

Фуқароларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи ва уй-жой қурилиши давлат томонидан рағбатлантирилиши, ёшларимизнинг олий-

муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаини кўпайтириш бўйича сиёсатни мақсад қилганмиз. Давлат аҳоли манфаатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритиши лозим, деб ҳисоблаймиз, – деди партия етакчиси.

Ана шу мақсадларга эришиш учун партия кейинги беш йиллик учун 10 та йўналиш, 15 та стратегик қадамдан иборат устувор вазифаларни режалаштирган.

ЭСКИРМАЙДИГАН СИЁСАТ

Халқ демократик партияси фикрича, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш – бу ижтимоий барқарорлик таянчидир.

“Биз ҳар бир шахснинг Конституция билан кафолатланган ижтимоий ҳуқуқларини адолатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш учун ҳаракат қиламиз. Бунинг учун ижтимоий таъминот ва аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янги нормалар билан тўлдириб орқали Ижтимоий кодексни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга эришамиз”, дейилади маърузада. Бунда имтиёзга эга шахслардан ташқари бошқа оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқаролар тоифаларини ва уларга кўрсатиладиган ёрдам турларини қонунчиликда аниқ белгилаш тақлиф этилмоқда. Аҳолининг заиф қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича ижтимоий хизматлар шартномасини тузиш тартибини ишлаб чиқиш партия учун принципиал аҳамиятга эга.

Шунингдек, ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларига етарли энг кам истеъмол харажатларини қонун даражасида белгилаш мақсадида “Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш тақлифи ҳам Сайло-

гоҳларга танлов асосида давлат гранти ҳисобидан ўқиш каби ҳуқуқлари қатъий белгиланди.

Халқ демократик партияси янги-ланган Конституцияда ўзининг дастурий мақсадлари бўйича тақлифлари акс этгани билан ҳақли равишда фахрланади. Лекин ҳали олдинда муҳим вазифалар, ечимини кутаётган масалалар бор.

Ижтимоий тенглик ва бирдамлик, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ғояларнинг аҳамияти бугунги кунда ҳам жуда долзарбдир.

Халқ демократик партияси юз минглаб аъзолари, миллионлаб хайрихоҳларига таянган ҳолда сайловда фаол қатнашиш, юқори натижалар учун курашга кирмоқда.

Сайлов партия учун кенг имконият ва, албатта, катта масъулиятдир. Унда ғалаба қозониш, парламентда кўпроқ ўринга эга бўлиш, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг устуностига эришиш учун барча куч ва имкониятларни ишга солиш режалаштирилган.



лар муносабати билан 2025-2029 йилларга мўлжалланган янги Сайловолди дастури делегатлар эътиборига тақдим этилди.

Қайд этилдики, дастурда давлат ва жамиятни ривожлантириш, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритишга қаратилган 10 та йўналиш, 15 қадамни ўзида мужассам этган 100 га яқин тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Хусусан, дастурнинг ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича адолатли давлат пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш, аҳолида дорига қарамликни камайтириш, мактабларда чет тиллар ва IT ўқув соатларини кескин кўпайтириш, ўзини банд қилганлар учун шарт-шароитларни яхшилаш, улуш киритиш асосида уй-жой қурилаётганда харидорларни кафолатли ҳимоя қилиш бўйича ечимлар тақлиф этилган.

Қонун устуворлигини таъминлаш йўналишида эса давлат бюджети ҳисобидан қимматбаҳо совғалар ҳадя қилишни тақиқлаш, бюджет маблағларини самарасиз ишлатганлик учун жавобгарликни кучайтириш, соҳавий назорат органларига республика ҳокимият органларининг таъсирини камайтириш билан боғлиқ тақлифлар делегатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

ҚАЙД ЭТИЛДИКИ, ДАСТУРДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҲУҚУҚЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЮРИТИШГА ҚАРАТИЛГАН 10 ТА ЙЎНАЛИШ, 15 ҚАДАМНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН 100 ГА ЯҚИН ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛМОҚДА.



**ХДП ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИ,
ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ВА
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШ,
ФУҚАРОЛАР
ҲАМЖИХАТЛИГИ
ВА ИЖТИМОЙ
БАРҚАРОРЛИКНИ
МУСТАҲКАМЛАШ
ТАРАФДОРИ!**

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР БИЛАН

ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛАН КИРИБ БОРМОҚДА!



МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Ҳар бир инсон умри давомида бир неча бор тиббий хизматдан фойдаланишига тўғри келади. Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, дейишади. Шундай пайтлар бўладики, кўрсатилган биринчи тиббий ёрдам инсон умрини сақлаб қолади. Бемор ҳаётида ҳар лаҳза муҳим бўлган паллада шифокорлар жонимизга оро киради. Демак, фуқаролар зарур пайтларда сифатли тиббий хизмат учун давлатга суяна олиши керак. Бу Конституцияда қафолатланган ҳуқуқ масаласидир.

Халқ демократик партияси бу йилги сайловларда ҳам аҳолининг қайси ҳудудда яшайдиган қатъи назар, давлат томонидан қафолатланган тиббий хизмат олиши, соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш орқали соҳада шаффофликни таъминлаш тарафдори сифатида майдонга чиқмоқда. Партия тиббий ёрдам сифати, аиникса, кам таъминланган аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш бўйича бир қатор устувор йўналишларни тақриф этмоқда.

» **ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ БУ ЙИЛГИ САЙЛОВЛАРДА ҲАМ АҲОЛИНИНГ ҚАЙСИ ҲУДУДДА ЯШАИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚАФОЛАТЛАНГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ ОЛИШИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТЎЛИҚ РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ СОҲАДА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТАРАФДОРИ СИФАТИДА МАЙДОНГА ЧИҚМОҚДА.**

Аввало, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. Хуқуқ демократик партияси ёшларнинг сифатли ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида "Давлат тиббий сўғуртаси тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш, сексалар учун, онкологик касаллик каби оғир хасталикларга дучор бўлган беморлар учун сифатли хизмат кўрсатишнинг юқори стандартларини таъминлашга қаратилган хоспис тизимини ривожлантириш ва "Хоспис хизматини кўрсатиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тақриф этилмоқда. Умуман, дастурда малакали тиббий хизматни халққа яқинлаштириш билан боғлиқ асосли вазифалар ўрин олган.

ЁШЛАР СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ОЛИШИ КЕРАК!

Ўзбекистон – аҳолисининг мутлақ кўпчилиги қисми ёшларни ташкил этадиган мамлакат. Халқ демократик партияси ёшларнинг сифатли таълим олиши тарафдоридир. Бу мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтириш қафолати саналади.

ХДП сифатли мактабгача, ўрта, профессионал ва олий таълим олиш учун тенг имкониятлар яратишга эришмоқчи. Умумий ва касбий таълимда аҳолининг барча қатламига тенг имкониятлар яратиш учун курашилади. Масалан, "Ягона ижтимоий реестр"да рўйхатга олинган

оилаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган ота-оналар тўловидан озод қилиш тақрifi илгари сурилмоқда. Шунингдек, дастурда мактаб ўқувчиларига жамоат транспортидан фойдаланиши учун табақалашган тарифларни жорий этиш, мактабларда овқатлантириш тизими устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, мактабларда зарарли озиқ-овқат маҳсулотларини сотишни тақиқлаш, сифатсиз маҳсулот таркатганлик учун жавобгарликни кучайтириш вазифалари белгиланган.

Мактаблар ўқув дастурларида чет тиллар ва IT бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш орқали битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш масаласи бевосита сайловчиларнинг талаб ва тақрифларига кўра ишлаб чиқилган.

ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Албатта, иқтисодиётни либераллашти-

ришда жамиятни ижтимоий ривожлантириш мақсадларини унутиб қўймаслик керак. Чунки, дунё тажрибасига назар ташласак, эркин бозор иқтисодиёти ижтимоий тафовутлар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун Халқ демократик партияси иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самарадорлигини таъминлаш, иқтисодиётда давлатнинг асосий тартибга солуви ролин кучайтиришни зарур, деб ҳисоблайди.

Партия бунинг учун иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштирокини сақлаб қолиш, камбағалликни қисқартириш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда банк-кредит соҳасини ривожлантиришга интилади.

Стратегик аҳамиятга эга компаниялар устидан давлат назоратини сақлаб қолиш, уларни хусусийлаштиришни қонун даражасида тақиқлаш, маҳаллий инвесторларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, уларга хорижий инвесторлар билан бир хил имтиёзлар бериш тақриф этилмоқда.

Партияимиз фикрича, вазирлик ва идоралар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ёки жарима солиш натижасида тушадиган барча тушумларни тўлиқлигича Давлат бюджетига йўналтириш керак. Даромад ва уларнинг манбаларидан қатъи назар, бойликнинг ҳаддан ташқари концентрациясига адолатли солиқ солиш тизимини жорий қилиш ҳам муҳим.

Ўзини ўзи банд қилганлар ва меҳнат мигрантлари учун шарт-шароитларни яхшилаш, шу жумладан, ўзини ўзи банд қилган сифати-

да шуғулланиш мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш, ташкиллаштирилган ва тартибли миграцияни амалга ошириш давр талабидир.

Ўзини ўзи банд қилганлар учун фаолият турларини кенгайтириш янада мослашувчан меҳнат бозорини яратишга ёрдам беради. Ушбу ташаббус ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин бўлган янада инклюзив ва мослашувчан иқтисодиётни яратишга қаратилган. Бу эса ўз навбатида узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонликка олиб келади.

ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР НАРХЛАРИНИНГ МАҚБУЛЛИГИ

Бозор иқтисодиёти даврида товар ва хизматлар нархларини назорат қилиш бироз мушкул. Шунга қарамай, нарх ва тарифлар устидан давлат ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Қанчалар қийин бўлмасин, томонлар масъулиятини ошириш, меъёрни сақлаш борасида қатъий назорат ўрнатилмоқда.

Озиқ-овқат таъминоти аҳоли фаровонлигида ва инфляцияни жиловлашда муҳим омиллардан бири. Шу боис савдо нуқталари, бозорлардаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, хусусан, нон ва нон маҳсулотлари баҳосини суъний ошириш юбормаслик бўйича тезкор чоралар кўриб борилмоқда.

ХДП фикрича, ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархларини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш лозим. Бу орқали партияимиз эҳтиёжманд аҳоли қатламнинг кундалик зарур товар ва хизматлардан фойдаланишини таъминлаш учун курашади. Айни мақсадда аҳолига истёмоли кредити фонизлари тадбиркорлик учун тақриф этилаётган бизнес кредити фонизларидан юқори бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Ипотека кредити тўлови бўйича қарздорлик юзага келганда гаровга қўйилган кўчмас мулкни фуқарога ўзига қулай нархда сотиш имконини бериш, банклар тақриф этаётган кредит механизмлари ижтимоий адолат принцигига мувофиқ бўлишини таъминлаш ҳам муҳим масала. Исрофгарчилик ҳолатларини камайитириш мақсадида тўй, маросим ва бошқа оилавий тадбирлар учун ижтимоий меъёр ўрнатиш жамият ҳаётидаги долзарб масалалардан бирига айланган.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ ВА ДЕМОКРАТИК БОШҚАРУВ

ХДП очик, шаффоф, халқчил ва демократик давлат бошқаруви тизимини жорий этишни энг мақбул йўл, деб ҳисоблайди.

Парламентдаги ХДП фракцияси аҳолининг ижтимоий қайфиятига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мажбурий жамоатчилик муҳокамаси ва экспертизаси механизмини яратишни кўзлаган.

Шу асосда аҳолининг заиф қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби ва даражасини ўзгарирадиган қарорларни жамоатчилик розилигисиз қабул қилинмаслигига эришилади.

Жамиятимизда актуал демократик тенденцияларни кучайтириш мақсадида ижро ҳокимияти томонидан муҳим ижтимоий қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар фракциялари ва жойлардаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш институтини жорий этиш, давлатнинг айрим функцияларини босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига ўтказиш галдаги вазифалар сирасига киради.

Сиёсий партиялар, уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда ҳамда давлат фуқаролик хизматида "ногиронлиги бўлган шахслар учун квота" жорий этиш тақриф қилинмоқда. Давлат органларининг мансабдор шахслари сонини қисқартириш, мансабдор шахслари фаолиятида ҳашаматни чеклаш, шу жумладан, уларнинг фаолиятида ҳашаматни кўз-кўз қилиш ҳолларида уни одоб-ахлоқни бузиш сифатида интизомий жавобгарликка тортиш

амалиётини йўлга қўйиш адолатдандир.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАЙДИ

ХДП қонун устуворлиги, ижтимоий тенглик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш тарафдори! Шунга кўра, суд механизмларининг мақбуллигини таъминлаш, қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва имкониятлар тенглигига қатъий амал қилиш учун курашади. Бу йўналишда ҳам бир қатор муҳим тақрифлар Сайловолди дастурига қамраб олинган.

Масалан, кам даромадли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатура ва юридик хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш, бепул маслаҳат берадиган "юридик клиника"лар тармоғини ривожлантириш, давлат бюджети ҳисобидан қимматбаҳо совғалар ҳада қилишни тақиқлаш, давлат бюджетни маблағларини самарасиз ва мақсадсиз ишлатганлик учун жавобгарликни кучайтириш давлат ва жамият ривожини жадал суръатга кириши учун замин яратади.

ОЧИҚ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА КОНСТРУКТИВ

Халқ демократик партияси Ўзбекистоннинг халқаро мавқенини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқлик асосида ҳамкорликни фаол қўллаб-қувватлайди. Ушбу йўналишда яхши қўшничилик, минтақавий ҳамфисиллик ва барқарорликни таъминлаш таъминлари асосида, аввало, Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган ташаббускор ташқи сиёсатни изчил давом эттириш устувор аҳамиятга эгадир.

Хорижда меҳнат қилаётган, шундай ис-тақда бўлган ватандошларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳам актуал вазифалардан саналади.

Дастурнинг ташқи сиёсатга оид қисмида янги фикрларни, ёндашувларни кўриш мумкин. Масалан, чет давлатларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларга энгиллик яратиш мақсадида "ишчи виза" ҳужжатларини расмийлаштирилишига кўмаклашиш марказини очиш пироваарида ҳамюртларимиз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади.

Қурултойда партия Сайловолди дастуридagi йўналишлар, тақрифлар бирма-бир кўриб чиқилди. Асосийси, Халқ демократик партияси ҳам, депутатликка номзодлар ҳам соғлом рақобат ва шарафли курашга тайёр.

Партиянинг устувор мақсад, гоғлари ҳамда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли манфаатлари билан боғлиқ салмоқли тақрифлар билан танишган қурултой делегатлари Халқ демократик партиясининг янги Сайловолди дастурини тасдиқлади.

Қурултойда партия Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов учун тақриф этилган бир мандатлик 75 та округдан 75 нафар номзод илгари сурилди, шунингдек, пропорционал тизим бўйича 100 кишилик партиявий рўйхат ҳам келтирилди.

Номзодларнинг 47,4 фоизи аёллардан иборат бўлиб, барча 175 нафар номзод олий маълумотга эга, уларнинг 8 фоизини ҳуқуқшунослар, 13 фоизини иқтисодчи, 6 фоизини муҳандис, 9 фоизини тиббиёт, 31,4 фоизини педагоглар, 32,6 фоизини бошқа соҳа вакиллари ташкил этади. Шунингдек, номзодларнинг 18 нафаридида фан номзоди (PhD) ва 15 нафаридида фан доктори (DSc) илмий даражаси мавжуд.

Делегатлар номзодларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги тажрибаси, турли соҳалардаги фидойий меҳнати, юқори малакали мутахассис, партиянинг асосий гоғси учун кураша оладиган шахслар эканини қайд этиб, депутатликка номзодларни қўллаб-қувватлаш ҳақида ақдид қарор қабул қилишди.

Партия ҳам, депутатликка номзодлар ҳам аник позицияда:

"Биз – ҳар бир инсон фаровонлиги тарафдоримиз! Ва бу йўлда қатъий курашамиз!"

Қўш саҳифани "Ўзбекистон овози" муҳбири Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.

СЎЗ – ҚУРУЛТОЙ ИШТИРОКЧИЛАРИГА!

Шерзод ШЕРМАТОВ,
рақамли технологиялар вазири:



– Гувоҳи бўлдикки, бугунги йиғилишда партиямизнинг сайлов кампаниясида муваффақиятли иштирок этиши билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди, истиқболли режалар, дастурлар ва ғоялар ўртага ташланди. Албатта, масъулиятли сиёсий жараёнда муносиб қатнашиш учун партиямиз барча имкониятларни сафарбар этади, чунки салоҳиятни тўла ишга солиш орқали кутилган натижага эришиш мумкин.

Партиянинг Сайловолди дастури билан танишар эканмиз, бу дастур тўсатдан пайдо бўлиб қолган, айнан шу сайлов кампанияси учун ўйлаб топилган фикрлар мажмуи эмаслигини кўриш мумкин.

Дастур ва шу асосда сўзланган нутқ Халқ демократик партиясининг йиллар давомида шаклланган, сайқалланган ғоя ва мақсадларини тўла ўзида мужассам этган.

Сайловолди дастуридаги барча йўналишлар, унда белгиланган таклиф ва ташаббуслар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қиладиган асосий вазифалар ҳисобланади. Айниқса, ундаги қуйидаги вазифалар эътиборимни тортди.

Хусусан, мактаблар ўқув дастурларида чет тиллар ва ИТ бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш орқали мактаб битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, сунъий интеллект бўйича мутахассисларни тайёрлаш дастурларини қабул қилиш ҳамда ушбу соҳада ўқитишни қўллаб-қувватлаш ғоялари бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга. Шунингдек, болаларнинг Интернет тармоғида хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий стратегияни қабул қилиш, киберхавфсизлик асослари, жумладан, онлайн фирибгарлик, онлайн таҳдидларни аниқлаш ва улардан ҳимоя қилиш бўйича ўқув дастурларини, кутубхоналар фаолиятига сунъий интеллектни жорий этиш бўйича билдирилган таклифларни ҳам кўпчилик қўллаб-қувватлашига ишонаман.

Дастурда эътиборга сазовор яна қўллаб-қувватлаш ғоялари илгари сурилган. Бугунги қабул қилинадиган қарорларни ҳамда партиянинг Сайловолди дастурини қўллаб қувватлаган ҳолда, режа ва дастурлар доирасидаги барча тадбирларнинг юқори савияда, сайлов қонунчилигининг асосий тамойил ҳамда талабларига мос равишда ўтишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшамиз.

Зулайхо МАҲКАМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари:



– Юқориде таъкидланганидек, октябрь ойида бўлиб ўтадиган Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар сайловларида партиямизнинг муносиб иштирокини таъминлашнинг муҳим вазифамиздир.

Сайловолди дастурида хотин-қизларнинг, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган ғоя ва ташаббуслар ҳам ўрин олган.

Гендер тенгликнинг институционал механизмларини ривожлантириш, аёлларнинг сайловларда, сиёсий партиялар фаолиятида иштирокини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, давлат органларида раҳбарлик лавозимларида аёллар учун 50 фоизлик мажбурий квоталарни жорий этиш белгиланган.

Шунингдек, таъйин ва зўравонликка учраган болалар ва хотин-қизлар руҳияти ҳамда келгуси ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини инобатга олган ҳолда, улар ҳақидаги маълумот, расм, видеоларни ижтимоий тармоқларда тарқатишни таъминлаш масаласига урғу берилган.

Яна бир муҳим ташаббуслардан бири, ҳомиладор ва қарамоғида вояга етмаган болалар бор аёлларга масофавий ишлаш имкониятларини кенгайтириш орқали қўшимча шарт-шароитлар яратиш масаласи бўлиб, бу хотин-қизларимизнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиладди.

Умуман олганда, партия томонидан илгари сурилаётган ғоя ва ташаббуслар жамият ривожланишининг барча жабҳасини қамраб олган, десак муболаға бўлмайди.

Ана шу халқчил дастурида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун сайловларда бир куч, бир жамоа бўлиб ҳаракат қилишимиз лозим.

Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун Олий Мажлис ҳам, маҳаллий Кенгашлар ҳам муносиб ўрин эгаллашимизга ишонаман. Бу жараёнда барчангизга куч-қувват, соғлиқ-саломатлик тилаб қоламан.

Назира МАТЯҚУБОВА,
“Қорақалпоғистон тонги” газетаси бош муҳаррири,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорги Кенгеси депутати:



– Партияимиз дастурий мақсадлари демократик ривожланган давлатлар таърибаси ҳамда мамлакатимиздаги ўзгариш ва янгиланишлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бормоқда. Айниқса, бу йилги Сайловолди дастури янги таҳрирдаги Конституция-мизда мустаҳкамланган “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойили ҳамда давлатнинг тегишли ижтимоий мажбуриятларини самарали амалга ошириш каби умуммиллий манфаатлар устуворлигига асослангани яққол кўриниб турибди.

Хусусан, дастурда ижтимоий тенглик ва халқ ҳокимиятичилигига асосланган демократик бошқарувни амалга ошириш тарафдори сифатида партиямиз томонидан очик, шаффоф, халқчил ва демократик давлат бошқаруви тизимини жорий этиш билан боғлиқ ғоялар ўз ифодасини топган. Бунда, энг аввало, парламентдаги фракцияимиз аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат-

лар лойиҳаларининг мажбурий жамоатчилик муҳокамаси ва экспертизаси механизмининг яратишни кўзлаётгани ижтимоий ҳимоя тизимининг сезиларли даражада ўзгаришларидан қонунлар ва давлат органларининг қарорлари тегишли жамоатчилик розилигисиз қабул қилинмаслигини таъминлайди.

Мазкур йўналишда “Менинг фикрим” платформасини такомиллаштириш илгари сурилаётгани ҳам фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан фуқароларга давлат бюджети ҳисобидан қимматбаҳо совгалар ҳада қилишни тақиқлаш, бюджет маблағларини самарасиз ва мақсадсиз ишлатганлик учун жавобгарликни кучайтириш каби масалаларнинг Сайловолди дастурида ўз аксини топиши жамиятда “ижтимоий адолат” тамойилининг барқарор бўлишига хизмат қиладди.

Албатта, Сайловолди дастурида халқчил таклиф ва ғоялар, эзгу мақсад ва вазифалар сайлов жараёнида партиямиз ҳамда номзодларимизга овоз берувчилар, қўллаб-қувватловчилар-у хайрихоҳлар кўпайишига имкон яратлади.

Феруза МАДРАҲИМОВА,
Урганч давлат педагогика институти ректори:



– Сайловолди дастурида жамият ривожланишининг барча соҳаларига оид 150 га яқин таклиф ва ташаббуслар жамланганини, улар бугунги кундаги долзарб муаммоларга ечим бўла олиши билан муҳим эканлигини таъкидламоқчиман.

Таълим соҳаси вакили бўлганим учун ушбу йўналишда белгиланган масалалар эътиборимни тортди. Умумий ва касбий таълимда аҳолининг барча қатламига тенг имкониятлар яратиш таклифи бунга мисолдир.

Таълим тизимида қилиниши зарур бўлган ишларимиз ҳали кўп. Шу жиҳатдан дастурда илгари сурилган ташаббуслар ва ғоялар ҳаётийлиги билан аҳамиятли.

Сайловолди дастурида аҳолининг заиф қатламини ижтимоий ҳимоя қилишда, аввало, иқтисодий ривожлантириш зарурлиги белгиланган. Шу асосда кам таъминланган оилаларга бўладиган ижтимоий ҳимояни кучайтиришга эришиш мумкинлиги аниқ кўрсатиб ўтилган.

Ушбу сайлов партиямизнинг сиёсий мавқеи ва имиджини ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш учун имконият. Бунда, аввало, партиямиз фаолиятини тарғиб қилиш, номзодларимизни сиёсий майдонга олиб чиқиш, келгуси беш йилликда партиямиз қандай ғоя ва ташаббусларини илгари сураётгани ҳақида электоратимизни, сайловчиларимизни хабардор қиладиган муҳитни яратишимиз зарур.

Аниқ ва эришиш мумкин бўлган мақсадлар одамларни сайловда фаол иштирок этишга, партиямизни қўллаб-қувватлашга ундайди. Шу нуқтаи назардан партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга ва партиямиз дастурий ғоя ва мақсадларини амалга оширишга қаратилган Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлайман.

Жавлонбек АБДУЛЛАЕВ,
Зосонсой тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар
маркази мутахассиси, туман Кенгашидаги
Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:



– Бугунги кунда ҳам ногиронлиги бўлган шахслар ўзини тўлақонли жамият аъзоси деб ҳис этиши учун инфратузилманинг етишмаслиги, малакали тиббий ёрдам, таълим олиш ва иш билан таъминлашда қийинчиликлар мавжудлигини тан олишимиз керак. Бизнинг вазифамиз бу муаммоларни ҳал қилиш ва ногиронлиги бўлган шахсларга бошқалар билан бир қаторда тўлақонли ҳаёт кечириш имкониятини беришдир.

Миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш бўйича меъёрий қоидаларига тўлиқ мувофиқлашти-

ришга эришиш вазифаси ушбу йўналишдаги энг асосий ташаббуслардан ҳисобланади.

Шу билан бирга ногиронлар учун объектлар ва хизматларнинг қулайлиги миллий стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда қонун даражасида мустаҳкамлаш, ногиронлиги бўлган шахслар ҳаракатланиши учун қўшимча имкониятлар яратиш, кўзи оқиллар учун электрон ахборот эшитиш мосламавларини, сүзөфор ва махсус йўлақларда ногирон шахсларни оғохлантирувчи овозли электрон жиҳозларни ўрнатиш каби ташаббуслар жамиятда тўсиқсиз муҳитни шакллантириш имконини беради.

Сайловолди дастуридаги парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда ҳамда давлат фуқаролик хизматида ногиронлиги бўлган шахслар учун квота жорий этиш таклифи эса янада аҳамиятлидир.

Олдимизда сайловларнинг муҳим ва энг қизиқарли жараёни, яъни, сайловолди ташвиқоти турибди. Юқориде таъкидланганидек, партия дастурий мақсадларини халққа етказиш ва уларнинг ишончини қозинишда Сайловолди дастури муҳим омил бўлиб хизмат қиладди.

Сайловолди дастури шунчаки ҳужжат эмас, бу халқ билан тузган ижтимоий шартномадир ҳисобланади. Дастур бизнинг қадриятларимиз, мажбуриятларимиз ва келажакка қарашларимизни акс эттиради. Унинг ҳар бир бандини жамият ҳаётидаги муаммоларга аниқ жавоб ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси, дейиш мумкин. Биз халқимиз билан биргаликда барчага муносиб келажакни яратишга қатъийлик, масъулият ва ишонч билан ҳаракат қилишимиз керак.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва
гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси:

– Дастурда халқимизни ҳозирги кунда ўйлантираётган долзарб масалалар бўйича аниқ ечимлар киритилганига гувоҳ бўлдик. Барча ғоялар фақатгина жамият ҳаётини яхшилашга, юксалтиришга қаратилган.



Ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича самарали сиёсатни амалга ошириш белгиланмоқда. Унда иш билан таъминланмаган фуқаролар, айниқса, ишсиз аёллар сонини камайтириш, камбағаллик ҳолатига тушиб қолганининг олдини олишга ёки камбағаллик тоифасига кириб қолган фуқароларни ундан чиқаришга оид таклифларни

алоҳида эътироф этиш жоиз. Ёки бўлмаса, “Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Умуман, дастурда ҳар жиҳатдан мукамал ва мамлакатимизни келгусида тараққий эттиришга қаратилган аниқ мақсадлар белгилаб олинган.

Шуни қайд этиш керакки, сайловнинг барча жараёнида партиямиз ташкилотлари ва депутатлик корпуси фаол иштирок этади. Кўзланган маррага эришиш учун бизда барча имконият мавжуд. Чунки ўтган йиллар давомида партиямиз катта сиёсий таърибга тўплаган.

Бизнинг партия тарғибот ва ташвиқот жараёнларида ғоя-ташабусларини сайловчиларга етказиш ҳамда халқ орасига кириб бориш бўйича ўз стратегиясига эга. Шундай экан, Халқ демократик партияси сайловда муносиб қатнашишига ишончим комил.

Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси:



– Партияимиз илгари сураётган ғоя ва мақсадлар маълум бир қатлам манфаатларигагина хизмат қилмайди, балки барча учун бирдек манфаатли ва муҳим. 2019 йилги Сайловолди дастурида 82 та ғоя ва мақсад илгари сурилган эди. Ҳозирга қадар уларнинг 70 дан ортиғи турли даражада амалга ошди.

Сайловдан кейин 12 асосий қадим белгилаб олинган эди. Мана шу қадамлар доирасида эришилган кўплаб ютуқлардан айримларини мисол келтираман. Масалан, минимал истеъмол харажатлари жорий этилди. Энг кам истеъмол харажатлари кўрсаткичи камбағаллик мезони ва «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритиш учун асос сифатида қўйилиб келинмоқда.

Бошқа бир мисол. БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси ратификация қилинди. Бу ногиронлиги бор юрtdошларимизнинг таълим, тиббий ёрдам олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, иш билан таъминланиши, қисқаса, ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳисоблашда бекиёс аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, фуқароларга давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

Бу нарсалар ўз ўзидан амалга ошириб қолгани йўқ. Партияимиз сиёсий куч сифатида, электорат манфаатларини келиб чиққан ҳолда долзарб масалаларни кўтариб, қонуний ечим топилишида муҳим ўрин тутгани натижаси бу. Ҳали олдимизга қўйилган мақсад-вазифалар эса кўп.

Сайёра ИМОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлигига номзод:



– Маълумки, сўнгги йилларда давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини янада фаоллаштириш мақсадида кенг майдон яратилди.

Сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатишда аёлларнинг улуши камида 40 фоизни ташкил этиши ёки партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар беш нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозимлиги Сайлов кодексига белгилаб қўйилди. Эътиборлиси, Халқ демократик партияси аъзолари сонининг қарийб 50

фоизини аёллар ташкил қиладди. Бу борада ҳам биз замон билан ҳам, қонунчилик билан ҳам раҳ томонлама ҳамнафасмиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига партия томонидан кўрсатилган умумий 175 нафар номзоднинг 47,4 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи ҳам фикримиз исботи ҳисобланади. Шунинг ўзиёқ биз, аёлларга нисбатан билдирилаётган катта ишончининг ёрқин намунаси, десам муболаға бўлмайди.

Халқ демократик партияси ҳар бир сайловда хотин-қизларга алоҳида урғу бериб келиши ҳаммага аён. Янги Сайловолди дастурида ҳам оғир ижтимоий аҳволга тушган аёллар учун арзон уй-жойлар қурилишини янада кўпайтириш, аёллар меҳнатига ихтисослаштирилган ишлаб чиқарувчи ташкилотлар қошида оилавий мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш, ҳомиладор ва қарамоғида вояга етмаган болалари бор аёлларга масофавий ишлаш имкониятларини кенгайтириш орқали уларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш каби вазифалар белгиланган.

Партияимиз дастуридан ўрин олган хотин-қизлар ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган салмоқли ташаббуслар бу соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладди.

**“Ўзбекистон овози” муҳбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.**

НУҚТАИ НАЗАР



ШУ ЙИЛНИНГ 27 ОКТЯБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ИШТИРОКЧИЛАРИ ҲИСОБЛАНГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЯКУНЛАНГАН ҲАФТАДА ЎЗ САЙЛОВЛДИ ДАСТУРЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИЛАР. АЙНИ БИР ПАЙТДА ПАРЛАМЕНТ ҚҲЙИ ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ҲАР ТОМОНЛАМА МУНОСИБ ДЕБ БИЛГАН НОМЗОДЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРИШДИ.

САЙЛОВЛАР ВА АЁЛЛАР

Айтиш ўринлики, Сайлов кодексига амал қилинган ҳолда бешала партиядан ҳам кўрсатилган номзодларнинг 40 фоиздан ортиги аёллардан иборат бўлмоқда. Янада эътиборлиси, Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатаси депутатлигига аёл номзодларнинг улуши бошқа партиядан қараганда нисбатан кўпроқ, яъни, 47,4 фоизни ташкил этаётди.

Мамлакатимизда гендер тенглик сиёсати, опа-сингилларимизнинг давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини фаоллаштириш соҳасида олиб борилаётган дадил ислохотларга уйғун бу кўрсаткич алоҳида эътирофга лойиқ. Бироқ жамиятимизда аёлларга нисбатан шаклланган шундай стереотиплар ҳамон мавжудки, бу хотин-қизларнинг қонун билан мустақамлаб қўйилган сайланиш ҳуқуқига бевосита ёки билвосита даҳл қилмасмикан, деган иштибоҳни ҳам уйғотади. Бинобарин, "Аёлнинг ўрни - оилада. Унинг вазифаси - фарзанд тарбиялаш", деган қарашда АЁЛ аталмиш хилқатнинг оналик, бекалик миссияларини бажариши баробарида лидерлик қобилиятини, сиёсий иродаси ва шижоатини намоян эта олишига, қатъият ва фаоллигига шубҳа билан боқадиган инсонлар ён-атрофимизда йўқ, деб айтолмаймиз. Бу эса қатор саволларни келтириб чиқаради.

Ҳўш, жамиятимизда аёл депутатларга ишонч қай даражада? Халқ вакили бўлиш - бу жуда катта масъулият, тинимсиз меҳнат, фидойилик, элу юрт учун ёниб яшаш дегани. Опа-сингилларимиз бу вазифани қандай удалашмоқда? Улар депутатлик фаолиятида бирор тўсиққа дуч келишмадими? Умуман, қонун чиқарувчи бўғинда аёллар улушини оширишга қанақа зарурат бор? Дунё таърибасида бу масалада умумманзара қандай?

Қуйида шулар ҳақида фикрлашамиз.

ЎЗБЕКИСТОН - БЕШ МАМЛАКАТ ҚАТОРИДА

Мамлакатимизда хотин-қизлар сони жорий йил 1 январь ҳолатига 18 млн 274 минг 800 нафарни, яъни, аҳолининг 49,7 фоизини ташкил қилган. Таъкидлаш жоизки, сўнгги беш йилда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган 80 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. 2019 йилги сайловда парламентнинг қўйи палатасига 48 нафар аёл депутат сайланиб, депутатлар умумий сонининг 32 фоизини, Сенатда эса 25 фоизини ташкил этди. Дарвоқе, Ўзбекистон миллий парламенти хотин-қизлар сони бўйича "Сиёсатдаги аёллар" рейтингига 190 давлат ичида 52-ўринда бормоқда.

Ҳақон банки индексида эса Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторида қайд этилди. Гендер сиёсат сабаб сўнгги етти йилда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 27 фоиздан 35 фоизга кўтарилди. Тадбиркор аёллар сафи каррасига кўпайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган опа-сингилларимиз 205 мингдан ошди. Юз минглаб аёллар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилмоқда. Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида банд бўлган аҳоли ўртасида хотин-қизлар улуши 77 фоизни, иқтисодий ва саноат соҳасида 46 фоизни ташкил этмоқда. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган қизлар сони 6 баробарга кўпайган.

Буларнинг бари нимадан далолат? Табиийки, хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликка эришиш, аёлларнинг фақат оилада эмас, балки жамиятда ҳам мавқеини юксалтириш, барча жабҳада ўз салоҳияти ва лаёқатини намоян этишига имконият яратиш йўлидаги тизимли ишлар натижасидир.

Аёлларнинг парламентга келиши эса ҳамма давлатда ва ҳамма даврда, таъбир жоиз бўлса, ижтимоий-сиёсий феномен сифатида жуда катта резонанс берган.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ДУНЁДА АЁЛЛАР ВАКИЛЛИГИ ОРТМОҚДА

2024 йил инсоният тарихида сайловлар йили бўлиши кутилмоқда. Аниқроғи, 60 дан ортиқ

мамлакатда Президент ва парламент сайловлари ўтказилиши, сайёрамиз бўйлаб 2 миллиарддан ортиқ одам овоз беришда иштирок этиши кўзда тутилган. БМТ Аёллар ташкилотининг янги ҳисоботида келтирилишича, ҳозир жаҳондаги 26 давлатни аёл раҳбар бошқармоқда. 140 дан ортиқ мамлакатдаги вазирилик лавозимларининг 23 фоизини аёллар эгаллаган. Янгилаётган дунёда аёллар вакиллиги секин-аста бўлса ҳам ортиб бораётгани ижобий тенденция, албатта. Шу билан бирга "Аёллар сиёсий етакчилари-2024" ҳисоботида эслатиб ўтилганидек, кўплаб давлатларда хотин-қизлар ҳали ҳам маъмурият ва дипломатиядан четда қолмоқда. "Биз аёллар асосий рулда бўлса, дунё янада яхшироқ бўлишига ишонамиз. Бу йил кўплаб давлат фуқаролари сайловда қатнашаётган экан, биз аёлларни ҳокимиятнинг энг чўққисига қўйишимиз керак. Аёлларнинг бошқариш ва етакчиликдаги тенг иштироки барча учун ҳаётни яхшилашнинг калитидир", дейди "БМТ-аёллар" тузилмаси ижрочи директори Сима Сами Бахус хоним.

Бугунги кунда дунё давлатларининг катта қисмида аёлларнинг сайлов ва сайланиш ҳуқуқи амал қилади. Тарихга назар ташласак, Европада биринчи бор бундай ҳуқуққа 1906 йилда Финляндия аёллари эга бўлган. Сайлов тизимида гендер адолатининг ғалаба қозониши Иккинчи жаҳон урушидан кейин рўй берди.

Парламентлараро иттифоқнинг сўнгги ҳисоб-китобларига кўра, жаҳон парламентларида аёлларнинг улуши 26,9 фоизга етди. Бу ҳисоб-китоб 2023 йилги парламент сайловлари натижалари ва 52 мамлакатдаги тайинловларни ўз ичига олган янгиланган маълумотларга асосланади. Бутун дунёда янги сайланган депутатларнинг 27,6 нафари аёллардан иборат. Аёл парламентарийлар сони бўйича Руанда (парламентдаги ўринларнинг 61,3 фоизини аёллар эгаллаган), сўнг Куба (55,7 фоиз) ва Никарагуа (53,9 фоиз) етакчилик қилмоқда. Андорра, Мексика ва Бирлашган Араб Амириклариде аёл ва эркак депутатлар сони бир хил.

Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция умумэтироф этилган аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглигига эришиш борасида "жаҳоннинг глобал конституцияси" саналади. Бу конвенция қоида ва шартларининг амалий тасдиғини топиши, гендер тенглик ва гендерга нисбатан сезгир парламентларни яратиш учун ҳам кўплаб давлатларда аёл депутатлар сафи кенгаймоғи ҳаётин зарурат бўлиб қолмоқда.

ФАОЛ, ШИЖОАТЛИ, ФИДОЙИ

Хотин-қизлар жамиятнинг ижтимоий ҳимояга мўхтож қатлами ҳисобланади. Оиладаги илиқ маънавий-руҳий иқлим, болалар тарбияси биринчи галда онага боғлиқ бўлгани каби жамият ҳаётининг барча жабҳасида умуминсоний қадриятлар устун бўлиши, миллат генофондининг соғломлиги, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги аёллар фаоллигини, инчунун, сиёсий жонбозлигини талаб қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда аёлларга давлат ва жамият тақдирига даҳлдор қарорларни ҳаётга татбиқ этиш, хусусан, қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, янги ислохотларни рўйбга чиқариш жараёнларида бевосита қатнашишлари учун кенг йўл очилди. Хусусан, 2019 йилги парламент сайловлари натижасига кўра, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 31 фоизи жонқуяр, фидойи опа-сингилларимиз ҳиссасига тўғри келди. Оилалар билан ишлаш, ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва қашшоқликнинг олдини олиш, ижтимоий дафтарлардаги аёлларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш дастурларининг манзиллилиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий Кенгашлардаги аёл депутатларнинг муҳим ўрнини инкор этиб бўлмайди. Буни, айниқса, Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастуридаги хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ кенг кўламли ва изчил вазифаларни амалиётга йўналтиришда, бу йўналишдаги қонунчилик ташаббусларида аёл депутатларнинг фаол иштироки мисолида яққол қўриш мумкин.



Мунира ИСОМОВА,

ЎЗХДП Фарғона вилоят Кенгаши Ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи:

билан удалаяпти, деб бемалол айта оламан. Ўтган беш йил давомида улар халқ вакили сифатида жойларда одамларни ўйлантираётган ва ташвишга солаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, ечим топиш, депутатлик назоратини кучайтириш орқали электорат ишончини оқлашга ҳаракат қилдилар. Шуниси аниқки, бу уларнинг ҳеч бири учун осон кечмади.

Янги сайловлар арафасида турбимиз. Партиялардан, жумладан, ХДПдан ҳам депутатликка кўрсатилган номзодлар орасида хотин-қизлар улуши аввалги сайловлардан сезиларли ошган. Уларнинг қанчаси электорат томонидан депутатликка лойиқ қўрилади, бу энди элак сувдан кўтарилгач, сайлов кунини аниқ бўлади.

Тан олиш керак, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш соҳасида эришилаётган шунча ютуқларга қарамай, ҳалиям меҳнат бозорига кириш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳақидаги тасаввурлар ва уларга нисбатан зўравонлик ҳолатларида гендер тенгсизлик тўла барҳам топганича йўқ. Аёл депутатларимиз сафи қанча кенгайса, жамиятимизда хотин-қизлар дуч келаётган бу каби муаммоларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, рамзий қилиб айтганда, аёлларнинг ҳам овозини эшитиш имконияти шунча ортади.



Рубия КАЗИМОВА,

ЎЗХДП Бухоро шаҳар Кенгаши раиси, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати:

кати билан мазкур оилага 2 миллион 500 минг сўм пул саховат қилинади. Фуқаро эса пулни олади-ю, яна маҳалла ҳам алоҳида ёрдам бериши керак, деб МФЙ раисини тинч қўймайди. Мақсади ҳосил бўлмай, рад жавобини олган фуқаро бу борада бошқа ташкилотларга шикоят қилади. Хуллас, у ёғи "ёзди-ёзди" бошланади.

Яна бир фуқародан келган мурожаатни жамоатчилик асосида ўргандик. Мурожаатда ёзилишича, оила моддий жиҳатдан жуда қийналган, уйлари таъмирталабиги боис амалий ёрдам сўралган.

- Эрим ҳеч қаерда ишламайди, чунки ўқимаган, - дейди уй бекаси. - Мен уйда болаларга қарайман. Ишлашга имконини йўқ. Моддий томондан жуда қийналиб қолганмиз. Уйимизни таъмирлашимиз керак.

Хонадонга разм солишимиз, унчалик ҳам таъмирталаб эмас, нари борса уйнинг эркаги қўл кучи билан бир кунда қилинадиган иш, аммо, назаримизда, оила бошлиғида бунинг учун ҳафсала йўқ. 35 ёшлардаги, тоғни урса талқон қиладиган эркак хотини орқали моддий ёрдам олмақчи.

Аччиқ бўлсаям, ҳақиқат шуки, иш йўқлигини никоб қилиб, уйдан чиқмай, аҳли аёлини моддий ёрдам учун турли идораларга юборишдан тап тортаётган эркакларимиз бор. Шароити оғир бўлса ҳам, "Нега мени "Темир дафтар"га киритмадинглар?" деб жанжал қиладиган аёлларимиз сони ҳам, афсуски, оз эмас. Бу тоифадаги опа-сингилларимиз билан ишлаш, хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни яқиндан ўрганиш ва яхшилаш, жамиятнинг бош бўғини - оила институтини мустақамлаш учун ҳам халқ вакиллари орасида аёлларнинг бўлиши жуда муҳим.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясига кўра, 2030 йилга бориб хотин-қизларнинг улушини сиёсий партиядарда 50 фоизга, вазир ва вазирга тенглаштирилган лавозимларда 15 фоизга, бошқарув лавозимларида 30 фоизга ошириш мақсад қилинган.

Демак, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, турли соҳаларда оддий одамлар дуч келаётган муаммоларни, қонун бўшлиқларини бартараф этиш, барча жабҳада "Инсон қадрини - устун" тамойилини қарор топтиришдек эзгулик йўлида муносиб ҳисса қўшадиган бағрикенг, меҳнатқаш, зукко, фаҳм-фаросатли, оқила, меҳрибон опа-сингилларимиз сафи янада кенгайиши мўқаррар.

Фарида МАҲКАМОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



2024 йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг давлат қарзи биринчи ярим йилликда 2,1 миллиард долларга кўпайиб, 37 миллиард доллардан ошди. Ташқи қарз давлат ва хусусий қарзлардан иборат. Бу ҳақда Бош вазир ўринбосари, иқтисодиёт ва молия вазири Жамшид Қўчқоров 5 сентябрь кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисидаги нутқида маълум қилди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ ҚАРЗИ 37 МЛРД ДОЛЛАРДАН ОШДИ. ТАФСИЛОТЛАР

Таъкидлаш жоизки, бу даврда давлат ташқи қарзи 1,26 миллиард долларга кўпайиб, 30,9 миллиард долларни (27,7 фоиз) ташкил этган. Шу билан бирга, давлатнинг ички қарзи 842 миллион долларга ошиб, 6,13 миллиард долларни ташкил қилган (ялпи ички маҳсулотнинг 5,5 фоизи). Давлат ташқи қарзининг улуши эса 83 фоиз, ички қарзи 17 фоиз бўлган.

Маълумотларга кўра, «хусусий» секторда асосан давлат улушга эга бўлган компаниялар ва банклар ифодаланади (давлат банк секторининг 68 фоизга яқин улушига эга, шунингдек, 2019-2021 йилларда жами 2 миллиард долларлик қарздорлик қоғозларини муомалага чиқарган UzAuto Motors ва «Ўзбекнефтегаз», Ўзмилийбанк, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг эгаси ёки эгаларидан бири ҳисобланади).

Бош вазир ўринбосарининг маълумотига кўра, январь-июнь ойларида Ўзбекистон номидан ва ҳукумат кафолати остида 2,8 миллиард долларлик ташқи қарзлар бўйича келишувлар имзоланган. Бундан ташқари, давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш ва жорий йилда тўланиши лозим бўлган халқаро облигацияларни қайта молиялаштириш мақсадида жаҳон молия бозорларига 1,5 миллиард долларлик суверен халқаро облигациялар чиқарилган.

– Давлат қарзининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбати 34,4 фоиздан 33,2 фоизгача камайган, – дейди Иқтисодиёт ва молия вазири Ж.Қўчқоров. – Яна шуни айтиш мумкинки, Халқаро валюта жамғармаси ҳисоботида кўра, айни пайтда республиканинг давлат қарзи ўртача даражада.

Таққослаш учун: 2017 йилда давлат қарзи 11,5 млрд долларни

(ялпи ички маҳсулотга нисбатан 11,6 фоиз) ташкил этган бўлса, олти йил ичида бу кўрсаткич уч баробарга ошган. Маълумот учун, гап «хусусий» қарзни ҳисобга олмаган ҳолда фақат давлат қарзи ҳақида кетмоқда.

Кредиторлар томонидан давлат ташқи қарзи:

– Жаҳон банки — 6,73 млрд доллар (6,57 млрд);

– Осиё тараққиёт банки — 6,46 млрд доллар (6,44 млрд);

– Халқаро инвесторлар (халқаро евробондлар) — 4,2 млрд доллар (3,4 млрд);

– Хитой давлат тараққиёт банки, Хитойнинг Эксимбанки ва бошқалар — 3,76 млрд доллар (3,77 млрд);

– Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва бошқалар — 2,47 млрд доллар (2,36 млрд);

– Осиё инфратузилма инвестиция банки (штаб-квартираси Хитойда) — 1,35 млрд доллар (1,32 млрд);

– Ислон тараққиёт банки — 921 млн доллар (911 млн);

– Корея Эксимбанки, Корея Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси — 735 млн доллар (794 млн);

– Ислон тараққиёт банки — 921 млн доллар (911 млн);

– Франция тараққиёт агентлиги — 823 млн доллар (828 млн);

– Халқаро валюта жамғармаси — 735 млн доллар (811 млн);

– Германия давлат банки — 268 млн доллар (114 млн);

– Саудия тараққиёт жамғармаси — 143 млн доллар (140 млн);

– Испания давлат банки — 68 миллион доллар (73 млн);

– Европа тикланиш ва тараққиёт банки — 226 млн доллар (174 млн);

– Бошқа халқаро молия институтлари — 1,56 млрд доллар (1,53 млрд).

Ташқи қарзнинг валюта тузилмаси (бу валюта курсининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган иқтисодиёт учун ҳақиқий хавф кўрсаткичларидан бири) асосан доллар, ўзбек сўми ва япон иенасидаги кредитлардан иборат. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва улар бўйича фоизларни тўлаш учун 6,83 триллион сўм йўналтирилган.

Эслатиб ўтамиз, Халқаро валюта жамғармасининг июль ойидаги сўнгги ҳисоботида кўра, Ўзбекистоннинг ялпи ташқи қарзи ЯИМнинг 61,3 фоизини ёки 55,7 миллиард долларни ташкил қилган.

S&P рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг умумий давлат қарзи ва ташқи қарзи миқдори аввалги прогнозларидан тезроқ ўсишини кутмоқда, бу энергетика ва инфратузилма лойиҳаларини жадаллашган ҳолда амалга оширилиши билан боғлиқ.

Ҳисоботда, шунингдек, давлат корхоналари ва давлат-хусусий шерикликлар томонидан давлат кафолатисиз олинган қарз 2023 йилда ЯИМнинг тахминан 8 фоизини ташкил қилгани ва бу қарз ҳукумат балансида аниқланиши мумкинлиги таъкидланади. Сўнгги йилларда давлат билан боғлиқ корхоналар асосан энергетика ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий валютада қарз олишларини кескин оширган.

Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, агар айрим лойиҳалар натижалари кутилганидан ёмонроқ бўлса ёки бошқарув ва назоратда хатолар юз берса, улар бу қарзни қайтаришда муаммоларга дуч келиши мумкин.

ОЛТИН-ВАЛЮТА – ЯНА РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

Марказий банк маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг расмий захира активлари 1 сентябрь ҳолатига 39,15 миллиард долларни (+4,7 фоиз) ташкил этиб, август ойи давомида 1,75 миллиард долларга ошган. Бу статистика юритилган бутун давр учун навбатдаги рекорд кўрсаткичдир.

35,48 миллион долларлик АҚШ газна облигациялари ҳам мавжуд. Аввалроқ, Марказий банк олтин-валюта захираларини диверсификация қилишга киришгани ва чет эл давлатларининг қимматли қоғозларини харид қила бошлаганини маълум қилганди. Захираларнинг ўсишига қарамай, у 12 ойлик импортни



Марказий банк ахборотига кўра, ўтган ойда хорижий валютадаги захиралар 503,1 миллион долларга, яъни, 7,69 миллиард доллардан 8,19 миллиард долларгача ошган (июнь-июль ойларида олтин сотиб олиш ҳисобига 1,58 миллиард долларга камайиш кузатилган).

Шунга қарамай, йил бошидан буён (январь-август) валюта захиралари 1,18 миллиард долларга қисқарди, шу жумладан, 2019 йилда мамлакат чиқарган 500 миллион долларлик суверен еврооблигациялар бўйича қарзни тўлаш ҳисобига.

Захиралардаги олтиннинг физик ҳажми июнь-июль ойларидаги ўсишдан сўнг (18,94 тонна) 10 минг троя унцияга (311 кг.) камайиб, 12,04 миллион троя унцияни (371,7 тонна) ташкил этган. Шу билан бирга, олтин захирасининг қиймати яна 1,24 миллиард долларга – 29,16 миллиард доллардан 30,4 миллиард долларгача ошди. Бу 2013 йилдан бери статистика юритилган барча вақтлар учун рекорддир. Бунинг сабаби, август ойида олтин котировкаси бир унция учун 2446,28 доллардан 2502,77 долларга (+2,3 фоиз) кўтарилди. Умуман олганда, йил бошидан буён Марказий банкнинг олтин захиралари қиймати 5,77 миллиард долларга ошган.

Захираларда, шунингдек,

қоплашга етади (илгари 20 ой эди).

Маълумот ўрнида шуни айтиш лозимки, Марказий банк ўз захираларида амалда давлат бюджетининг бир қисмига айланган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини ҳам кўрсатади. Бу жамғарманинг ҳажми ошор қилинмайди. S&P Global Ratings халқаро рейтинг агентлиги илгари Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини Марказий банк захираларидан чиқариб ташлаётганини маълум қилганди. Чунки жамғарма маблағлари асосан пул-кредит ёки тўлов эҳтиёжлари учун эмас, балки фискал мақсадлар учун мўлжалланган.

Ҳисоб-китобларга кўра, олтин нархининг тушиши кутилаётгани ва жорий ҳисоб рақамининг тақчиллиги давом этаётгани сабабли Ўзбекистоннинг фойдаланиш мумкин бўлган валюта захиралари 2027 йилгача қисқаради. Марказий банкнинг монетар олтин захиралари олтин-валюта захиралари умумий ҳажмининг 80 фоиздан ортигини ташкил этади. Марказий банк Ўзбекистонда қазиб олинаётган олтинни сотиб олишда устувор ҳуқуққа эга. У олтинни маҳаллий валютада сотиб олади, кейин эса интервенциясининг ўзбек сўмига таъсирини қоплаш учун долларни маҳаллий бозорда сотади.

КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИ?

Одатда халқимиз қиш ғамини ёзда кўради. Худди шундай, тегишли вазирлик ва ташкилотлар куз-қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш, айниқса, электр, иссиқлик, сув таъминотларида узиллишларга йўл қўймаслик, шунингдек, аҳоли манзилларини, кўп қаватли уйларни мавсумга тайёрлаш ишларини тизимли амалга оширадилар.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ўтказилган навбатдаги матбуот анжумани айни шу мавзуга бағишланди.



Айтиб ўтилганидек, бугунги кунда республикамизда 42 минг 72 та кўп квартиралли уйлар мавжуд бўлиб, мавсумга тайёрлик доирасида уларнинг 5 минг 409 тасини таъмирлаш режалаштирилган ва бунинг учун бошқарув сервис ташкилотларининг 149 миллиард сўм маблағлари жалб қилинган.

– Бу ишларни сифатли бажариш учун бошқарув сервис ташкилотларининг имконияти етарли, – дейди Қурилиш ва уй-жой

коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева. – Чунки уларда 17 мингдан ортиқ зарур техника ва ускуналар, 12 мингга яқин ишчи-ходимлар мавжуд. Шунингдек, ҳозирги вақтга қадар айни ташкилотлар томонидан кўп квартиралли уйларга 692 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилган ва 512 миллиард сўм мажбурий бадаллар ундирилган.

Ушбу маблағлар ҳисобидан 4 минг 978 та уй таъмирланди. Режалаштирилган ишлардан

ташқари 311 та уйнинг том қисми, 1 минг 328 та кириш йўлаклари, 390 та ертўла қисмидаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари, 174 та уйнинг фасад қисми саз ҳолатга келтирилди. Жорий йилнинг 1 октябрига қадар яна 41 миллиард сўм ҳажмда таъмирлаш ишлари давом эттирилади.

Бундан ташқари, куз-қиш мавсумини бетаълафот ўтказиш мақсадида кўп квартиралли уйларнинг электр тармоғи хўжалиги объект-

ларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Худудий ҳокимликлар, “Худудий электр тармоқлари” корхоналари билан ҳамкорликда республикадаги 39 минг 334 та уйнинг 374 мингдан ортиқ электр хўжалик объектлари хатловдан ўтказилиб, “қизил”, “сарик”, “яшил” тоифаларга ажратилди ва “қизил” тоифадаги 100 мингдан ортиқ шитлар мукамал таъмирланди.

Мавжуд кўп квартиралли уйларнинг 25 минг 694 таси, яъни, 1 миллион 49 мингта хонадон марказлашган ва индивидуал иссиқлик энергияси билан таъминланган. Тегишли дастурлар доирасида замонавий қозонхоналар қуриш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилда 15 та объектда 9 та қозонхона ва 55 км иссиқлик тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган.

Маълумотларга кўра, “Янги Ўзбекистон” массивларини марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида 20 та объектга 12 та қозонхона ўрнатилиб, 64 км иссиқлик тармоқлари қурилади. Ушбу лойиҳалар натижасида 20 мингдан ортиқ хонадондан иборат 395 та кўп қаватли уйлар ва 28 та ижтимоий объектда иссиқлик таъминоти барқарорлашади.

Кўп квартиралли уйларнинг лифт ускуналарини саз ҳолатда сақлаш ҳам доимий эътиборда. Республикадаги 4 минг 427 та кўп квартиралли уйларда 11 минг 428 та лифт ускуналари мавжуд. Лифтларнинг 11 минг 70 таси одам ташигашга, 358 таси юк ташигашга мўлжалланган.

Матбуот анжуманида 528 та лифт ускуналарини 187 миллиард сўм маблағ эвазига янгиланган режалаштирилган таъкидланди.

Саҳифани “Ўзбекистон овози” муҳбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.



ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

"НУРОНИЙ" ЖАМҒАРМАСИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ РАИСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ, "ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ" ОРДЕНИ СОҲИБИ, ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ГУРУҲИ ВАКИЛИ ОРЗИҚУЛ СОАТОВНИ ВОҲАДА БИЛМАГАН-ТАНИМАГАН КИШИ БЎЛМАСА КЕРАК.

Саксон тўрт ёшни қарши олган замондошимиз ўтмишнинг оғир даврларига гувоҳ бўлган. Фараҳбахш дамлар ва дорилмомон кунларга етганига доим шукроналик келтирди. Турмуш фаровонлиги ва дастурхонлар тўқинлигидан мамнун. Ўзгариш, ривожланиш, таракқиёт ва янгиликларга елкадош бўлиш кераклигини айтади. Ҳаёт билан ҳамнафас ва ҳамқадам одимлаш кекса-ю ёшнинг умр мезонига айланиши кераклигидан гурун беради.

– Эҳ-ҳе, не-не рутубатли кунларни кўрмадик, – дейди Орзиқул ота. – Қай бир замонлар ўтмади, дейсиз. Уруш йилларининг азоблари, болаликдаги, ўсмирликдаги қийинчиликлар, қимматчилик, адоғи кўринмас қаҳатчилик... Буларни гапириш тугул бугун эслаш ҳам оғир мен учун.

1941 йилнинг 22 июнида туғилганман. Оилада кенжа – еттинчи фарзанд эдим. Отам деҳқон, онам ўқитувчи бўлган. Тинч-тотув кунлар келишини ният қилиб, "Орзиқул" деб исм қўйишган.

Уруш тугагандан кейин ҳам одамларнинг турмуш тарзи ўнганмаган. Вайронларни тиклаш, соҳаларни йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, хуллас, иш кўп эди. Мамлакатни муаммолар гирдобидан олиб чиқиш учун бағрикенг халқимиз меҳр-оқибат, одамийлик, саховатпешаликнинг ёрқин намунасини кўрсатганини унутиб бўлмайди.

Мустақиллик ҳақиқий маънода ажодларимиз орузсининг рўёби бўлди. Ўзлгимизни топдик. Қадр-қимматимиз тикланди. Янги Ўзбекистонга мустақкам пойдевор қўйилмоқда. Бироқ бу кунларга еттишнинг ўзи бўлмаган.

Эсимда, 19 ёшда эдим. Ангор туманидаги собиқ "Коммунизм" колхозда звено бошлиғи этиб тайинланди. Ҳарбий хизматдан кейин 15 йилга яқин Термиз тумани ва вилоятдаги қатор ташкилотларда фаолият кўрсатдим. 1980-2000 йилларда ички ишлар бошқармасида турли лавозимларда меҳнат қилганман. Шундан буён маҳалла иши ва кексалар билан ишлаш ҳаётимнинг бир қисмига айланди. "Нуроний" жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлимига раҳбарлик қилаётганимга ҳам уч йилдан ошди...

Жанубий воҳада 2 миллион 900 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг қарийб 214 минг нафарини нуронийлар ташкил этади. Юз ёшдан ошган пиру бадавлатлар 72 нафар. Жорий йилнинг тўққиз ойида ижтимоий ҳимояга муҳтож 400 нафарга яқин нуронийлар "Сурхон" сихатгоҳида соғлигини тиклади. Олтмиш нафарга яқин кишига ногиронлик аравачалари берилди. "Қўша қариш саодати", "Юз билан юзлашганлар" ва бошқа йўналишларда 100 нафар отахон-у онахонларимиз моддий рағбат олди.

Мустақиллигимизнинг 33 йиллиги арафасида 50 нафар воҳадошимизнинг I, II даражаси "Меҳнат фахрийси" кўрак нишони билан тақдирлангани ҳам нур устига аъло нур бўлди. Бу бизга янада куч-қувват ва шижоат бахш этиши табиий.

Инсон умрини оқар дарёга менгзашиди. Унда жўшқинлик ҳам, сокинлик ҳам мумкин. Ийлар силсиласидаги синовларда тобланган мустақкам ирода соҳибининг ҳикматли гурунларидан бениҳоя ҳузурландик. Диллар қувнаб, кўнгиллар яйради.

Алишер ПАРДАЕВ, Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят Кенгаши раиси, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:

– Орзиқул ака ажойиб раҳбар, партияимиз жонкуяри. Жамоатчилик қабули бўладими, депутатлик гуруҳи фаолиятими, доим биз билан елкама-елка. Электоратимиз вакиллари кийнаб келаётган масалалар ечимида кўмақдош. Учрашув, семинар ва тадбирларда бош-қош.

Фаол депутатимизнинг ташаббуси билан 2023-2024 йилларда Ангор туманидаги "Дўстлик" маҳалласида ички йўл таъмирланган бўлса, 4 мингдан ортиқ кишининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Оқова сув ҳамда томорқаларга оби ҳаёт етказиб бериш масалалари ҳам депутатлик сўровномалари орқали ҳал қилинди.

Бойсун туманидаги "Пулҳоқим", "Даштиғоз", "Инкабод", "Қўлқамиш", "Биби-

ширин", "Бошрабат", "Шўрсой", "Мустақиллик" маҳаллари ва "Янги Ўзбекистон" масивидида 25 мингдан ортиқ юртдошларимиз истиқомат қилади. Тоғ халқи кўп йиллардан буён ичимлик сувидан қийналиб келаётганди. Орзиқул аканинг саъй-ҳаракати билан бу муаммо ҳам ижобий ечим топди.

Денов салоҳиятли туманлардан бири ҳисобланади. Худудда 420 минг нафардан ортиқ аҳоли умргузаронлик қилмоқда. Сўнгги йилларда шаҳар маркази ва туташ манзиллардаги йўллар кенгайтирилди. Кўп қаватли уй-жой ва замонавий иншоотлар барпо этилди. Бир сўз билан айтганда, қадим Денов тобора кўракмик касб этмоқда.

Шу билан бир қаторда айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташлана бошлаганди. Масалан, шаҳар марказидан ўтган асосий кўчада кўприк қурилиши пайсалга солиб келинган. Депутатимизнинг сўровномасидан кейин лойиҳа-смета ишлари қайта кўриб чиқилди. Айни кунларда бу ерда бунёдкорлик ишлари кизгин давом этмоқда. Бу каби хайрли ташаббусларни Узун, Қизирик, Бандихон, Музработ, Термиз ва бошқа туманлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда яна бир маълумот. Орзиқул аканинг ташаббуси билан ўтган йили Термиз шаҳрида муҳташам Нуронийлар маркази қад ростлади. Лойиҳа қиймати 7 миллиард 100 миллион сўм бўлган уч қаватли замонавий маскан шарқ меъморчилиги услубида бунёд этилгани таҳсинга сазовор. Бу ерда кекса ахлод вакиллари учун барча зарур шароит муҳайё қилинганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Абдукарим АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, "Дўстлик" ордени соҳиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:

– Яқинда бир хабарни ўқиб қолдим. Ҳозирги кунда Японияда эллик минг нафардан ортиқ юз ёшдан ошган инсонлар яшар экан. Ўн беш йилдан кейин бу кўрсаткич бир миллионга етиши тахмин қилинмоқда.

Кунчиқар юрт одамларининг узок умр кўриш сирини олим-у мутахассислар турлича изоҳлашмоқда. Айримлар истемол қилинадиган денгиз маҳсулотларидан дейишган бўлса, бошқалар жисмоний ҳаракатнинг кўплигига йўйишмоқда. Тоза ҳаво, мунтазам мева-сабзавотлар тановул қилиш, соғлом турмуш тарзи, пиёда юриш, хуллас, омиллар жуда кўп...

Аслида баракали ҳаёт кечирининг туб моҳияти мулоқот маданиятининг юксаклигиди экан. Ҳақиқатан, японларнинг хушмуомалалиги, ўзгаларга бўлган ҳурмати, юриш-туриши, саранжом-саришталлиги, қоидаларга қатъий амал қилиши таҳсинга сазовор.

Орзиқул акада ҳам шундай хислатлар жамланган. У киши билан танишганимизга ярим асрдан ошди. Қадрдонимиз кўпқиррали

инсон. Чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик, асаларичилик ва бошқа йўналишларни яхши тушунади. Ҳуқуқий соҳа бўладими, маданият ва маърифатми, барчасидан бохабар.

Японларнинг юз йилдан ортиқ яшаш ҳақида бежиз тўхталганим йўқ. Сафдошимизнинг баракали умр кўришининг сир-синоати ҳам бағрикенглиги ва одамоҳунигида бўлса, ажабмас...

Абдурашид ОРТИҚОВ, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Сурхондарё вилоятидаги минтақавий вакили:

– Қарийб 65 йилдан буён эл хизматида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган Орзиқул ака ҳамон бардам ва бақувват. Ўзига талабчан. Тиришқоклиги бор. Доим ўз устида ишлайди. Сурхон элининг доврўғини кўқларга кўтариш шиорига айланган.

Бир нарсани очик айтишим керак: айрим ёшлар иш йўқлигидан нолийди. Ҳасрат қилгани-қилган... Ўзингиз ўйланг, ишлайман, касб ўрганаман, хунар эгаллайман, деган одам ишсиз қолиши мумкинми? Изланиш, интилиш ва иштиёқи бўлса, албатта, рўзғор обод, турмуш фаровон бўлиши табиий.

Кўз ўнгимизда Ўзбекистон янгиламаяпти. Нафақат туман ва шаҳар марказлари, балки, чекка қишлоқ ва овулларда ҳам ўзгаришларни кўриш мумкин. Кўракман уй-жойлар, осмонўпар бинолар, ажойиб иншоотлар, муҳташам мажмуалардан дил яйрайди. Шундай экан, қандай яшаш, қандай турмуш кечирини, қандай бахт-соадатга эришини, албатта, ўзимизга боғлиқ. Биз эса бой ҳаётий тажрибамиз билан ёшларга ибрат кўрсатишимиз шарт. Давомчиларимизга устоз, ҳамфикр, ҳамсуҳбат бўлсак, албатта, келажакка мустақкам пойдевор қўйилган бўлади.

Тошмамат АБРАМАТОВ, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:

– Эллик йилдан ортиқ турли соҳаларда меҳнат қилдим. Орзиқул Соатов билан ўтган асрнинг 80-йилларида танишганман. Эзгу ташаббус ва хайрли амаллар бизни бирлаштирган.

Халқ орасида кўп бўламан. Орзиқул ака бировни ранжитгани ёки ёлғон гапирганини эшитмаганман.

Эл ичида ҳурмат-эътибор топган сафдошимиз оилада ҳам ўрнак бўлгудек. Турмуш ўртоғи Ирихон Хуррамова билан олти фарзанд, олтмишдан ортиқ набиралар ардоғида қариллик гаштини сурмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, "Ўзбекистон овози" муҳбири.



ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар орасида ўзганинг фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш жиноятларида ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотига кўра, 2023 йилда мамлакатимизда энг кўп фирибгарлик жинояти содир этилган. Таассуфлиси, сўнгги пайтларда фирибгарликнинг тури ҳам, бу жиноятга қўл ураётган кимсаларнинг соддадил инсонлар ишончини суиистемол қилиш йўллари ҳам ортиб бормоқда.

ЭГРИ ТАЁҚНИНГ СОЯСИ ҲАМ ЭГРИ

Ана шундай фирибгарлик жиноятини содир этиб, суднинг қора курсисига ўтирган судланувчи Т. Закиров ҳалол даромад топишни эмас, балки одамларни чув тушириш эвазига пул ундириш йўлини танлади. Дастлаб У Миробод тумани, Янгизамон кўчаси, 5-уй, 81-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Е. Байимбетовага ўзини "Сувсоз" ходими деб таништириб, ушбу маҳаллага бириктирилгани ва иссиқ сувдан фойдалангани учун қарзи борлигини айтиб, қарздорликни ёпиш учун 395.000 сўм пулни қўлга киритади. Ўз навбатида қарздорлик ёпилгани ҳақида сохта ҳужжатларни тақдим қилишни ҳам унутмайди. Табиийки, алдов, фириб йўли билан олинган пуллари ўз чўнтагига уради.

Эгри таёқнинг сояси ҳам эгри, деганларидек, "Сувсоз" ходими қиёфасида оддий одамлардан пул ундириш Т. Закировга мойдай ёқиб тушади. Шу тариқа жиний ҳаракатларини давом эттириб, ўзгалар мулкани такроран қўлга киритиш мақсадида Миробод тумани, Қўйлик-3 даҳаси, 19-уй, 31-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро

Ю. Ортиқовадан ҳам қарздорликни ёпиш учун 1.375.000 сўм пулни олади. Афсуски, унинг "Сувсоз" ходими эканига ишонган, эшигини тақиллатиб, "Иссиқ сувдан қарзингиз бор", деб турган кимсага пешона терисини тутқазиб, қарздорлиги ёпилганидан хотиржам тортган, яъни, алданган инсонлар сони ортиб бормоқда.

Лекин бузоқнинг югургани – сомонхонагача. Худди шундай, судланувчи Т. Закиров ҳам ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Суд унга жазо тайинлашда айбига иқдорлигини ва пушаймонлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганини, жабранувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олди. Суд ҳукми билан Т. Закировга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 8 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Сардорбек СОДИҚОВ, жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг раиси.

Эълон

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади

"Санъатшунослик ва маданиятшунослик" кафедрасига кафедра-мудир (1). "Чолғу ижрочилиги" кафедрасига кафедра-мудир (1). "Ахборот технологиялари" кафедрасига кафедра-мудир (1). "Ўзбек ва жаҳон филологияси" кафедрасига кафедра-мудир (1). "Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати" кафедрасига профессор (1). "Кино, телевидение ва радио режиссёрлиги" кафедрасига доцент (1). "Ижтимоий-гуманитар ва педагогика" кафедрасига доцент (1). Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127 "а" уй. Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси томонидан 2006 йилда Назаров Улуғбек Холмуродович номига берилган ОҚ-1 № 003478 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси Олий академик курси томонидан 2017 йилда Назаров Улуғбек Холмуродович номига берилган А №000069 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



Парижда бўлиб ўтган XVII ёзги Паралимпия ўйинлари якунига етди. Унда Ўзбекистон делегацияси 10 та олтин, 9 та кумуш ва 7 та бронза, жами 26 та медални қўлга киритди.

Параатлетларимиз янги тарих ёзишди!

Бу билан паралимпиячилар медаллар жамғариш бўйича ўз тарихидаги энг яхши натижани қайд этиб, 168 та давлат ичида умумжамоа ҳисобида 13-ўринни эгаллади. Ушбу натижа делегациямизга Осиё мамлакатлари орасида Хитой ва Япониядан кейин учинчи ўринни тақдим қилди.

Мусобақа якунида қизиқ ҳолат юз берди. Медаллар жадвалида Ўзбекистон билан бир хил — 10 тадан олтин олган Германия кумушлар кўплиги учун, Канада эса бизга нисбатан кўпроқ бронза медаллар олгани ҳисобига биздан юқоридаги поғоналарни банд қилишди.

Таъкидлаш лозимки, Париж Паралимпия ўйинларида Ўзбекистондан илк бор 65 нафар параатлет 113 та лицензияни қўлга киритди. Бундан ташқари, делегациямиз биринчи бор 9 та спорт турида иштирок этди. Хусниддин Норбеков Ўзбекистон тарихида 3 карра Паралимпия ўйинлари ғолиби бўлган илк спортчи айланган бўлса, Шахина Йигиталиева 15 ёшида делегация таркибида Паралимпия ўйинлари совриндори бўлган энг ёш спортчи сифатида тарих яратди.



Медалъ олган параатлетларимиз

Олтин

1. Асила Мирзаёрова (узунликка сакраш)
2. Қудратуллахон Маъруфхўжаев (ядро улоқтириш)
3. Элбек Султонов (ядро улоқтириш)
4. Асадбек Тоштемиров (таэквондо)
5. Ёрқинбек Одилов (найза улоқтириш)
6. Бобур Омонов (ядро улоқтириш)
7. Шерзод Намозов (дзюдо)
8. Хусниддин Норбеков (ядро улоқтириш)
9. Толиббой Йўлдашев (диск улоқтириш)
10. Нурхон Қурбонова (найза улоқтириш)

Кумуш

1. Зиёдахон Исоқова (таэквондо)
2. Кубаро Ҳақимова (ядро улоқтириш)
3. Гулжаной Наимова (таэквондо)
4. Дониёр Салиев (узунликка сакраш)
5. Сервер Ибрагимов (ўқ отиш)
6. Сафия Бурханова (ядро улоқтириш)
7. Кумуш Ходжаева (дзюдо)
8. Шахина Йигиталиева (найза улоқтириш)
9. Рўза Кузиева (пауэрлифтинг)

Бронза

1. Темур Гиязов (баландликка сакраш)
2. Толиббой Йўлдашев (ядро улоқтириш)
3. Нурхон Қурбонова (ядро улоқтириш)
4. Моҳигул Ҳамдамова (диск улоқтириш)
5. Учқун Қуронбоев (дзюдо)
6. Довурхон Кароматов (дзюдо)
7. Муслима Одилова (сузиш, баттерфлай)

Навбатдаги Паралимпия ўйинлари 2028 йилда Лос Анжелес шаҳрида бўлиб ўтади. Унда яна янги тарих ёзилишини кутамиз...



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Toshtemir XUDOYQULOV
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turoh ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 937. 3266 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni —

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.